Бу кунларда хукумат доираларида муассасаларни марказлаштириш фикри кўзголгандир. Бу жуда яхши фикрдир. Албатта, хукумат идораларининг бир ерда бўлиши хам шул идораларнинг ишларининг тартибли боришига сабаб бўлур, хам мурожаатчиларга осон бўлур. Бу фикрни биз хам олкишлаймиз.
Маълумки, хозир Туркистоннинг хар ерида маориф ишларига жиддий кўз билан каралиб турилибдир; хатто марказ маориф комиссиялиги муаллимларни таъмин этмакни биринчи ишдан санаб бу жихатда жиддий ташаббус килмокдадир.
Бу харакатлар Туркистонда маориф ишларининг зарур ва мухимлигига далолат киладир. Биз хам, албатта, бир умумий фикрга кўшилмогимиз ва шу йўл билан бормогимиз керакдир.
Самарканд вилоятида маориф ишларини яхши йўълга кўймокка канча тиришилса хам, кўриниб турибдирким, муваффак бўла олмаймиз; хатто хозир хам очик айта олмаймизким, битта хам тузук мактабимиз йўкдир. Бу йўлда бизнинг хам кўб ишлар килмогимиз керак бўладир.
Бутун Самарканд вилоятида биргина кўзимизга кўринадирган мактабимиз бирдан-бир билим юртимиздирким, унинг холи хам газета ўкигувчиларга очикдир. Шу мактабни хам нима бўлса хам бир оз тузатмок учун канча гайратлар сарф килинса хам истаганимизча муваффак бўла олмаймиз.
Эшитганимизга кўра хукумат идораларини марказлаштириш учун шу билим юртининг биноси муносиб кўрилмишдир, ўткан йил шу ойларда тамом сўнган ва битган эди. Бунинг бу холга тушишига сабаблар бор эди. Муаллимсизлик, идоранинг оузуклиги, моддий жихатнинг торлиги ва бошкалар. Ўтган ёз билим юрти талабалари буткул таркалгондилар, факат 10—20 бола колгон эди.
Кўлидан иш келатурган талабаларининг хар бири ўз иши оркасидан кетдиким, шу йил канча тиришсак хам кўбини келтура олмадик.
Хозир юз элликка якин билим юрти талабаси бор ва мактаб кошида татбикот мактаби хам курулдиким, 50 дан ошик бола ўкийдир.
Биз шундай умид этамизким, бу йил бир оз маънавий ва моддий жихатдан тузатганимизнинг натижаси бўлиб келаси йил бу мактаб хакикатан бир билим юрти ва ибтидоий мактаби бир намуна мактаб бўлар деб. Бу ичги тараф.
Халкимизнинг маориф ишларига караш рагбатига келсак, шуни айтиб ўтмок керакким, хар бир ерлик мусулмон ва маорифпарварнинг мактабнинг маориф деганда кўзига кўринатургани бирдан-бир шу билим юртидур. Ушбу билан севинадур, фахр киладур. Инкилобнинг фойдаси бўлиб, унинг кўлига тушган бир ганимат деб шу бинони кўрсатадир ва шу муассасани биладир. Бу бинони хукумат идоралари учун олмок мана шу жихатдан маориф ишларининг боришига бирдан бир зарардир. Бизнинг Самаркандда бирдан-бир илмий муассасамиз шудир, бунга зарба бермак яхши эмасдир. Сўнгра шуниси хам маълум бўлгайким, бу бино факат мактаб учун ясалгондир, бунда идораларни жойлаш нотўгридир.
Шу беш йил ичида бу бинони олмок учун кўб маротабалар ташаббуслар бўлди, факат ишга ошмади. Биз умид этар эдикким, халкнинг рухи ва маориф ишларининг бориши билан хисобланиб, шу сира хам шу масала ишга ошмасун ва шу бино бир илмий муассаса бўлиб билим юрти учун колдирилсун. Бу мактабни хакикатан бир илмий муассаса холига кўймок учун гайрат ўрнига, буни бузмакка тиришмак айб бўлса керак.

Бир ишни тузатмокка тиришайлик, ўртоклар, бузмакка эмас. Шуни эсдан чикармайлик.

_____

«Яхши эмас». Ўз даврининг маърифий-ижтимоий масалаларига багишланган бу макола «Зарафшон» газетасининг 1923 йил 12 апрел сонида эълон этилган.